Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (12.863)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2015 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш эзгу, бир сўз билан айтганда, табиий анъанага айланиб қолди.

Ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшаши, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, кексаларга эъзоз ва эҳтиром, кичикларга иззат кўрсатиш, одамийлик, яхши қўшничилик, хайрсаховат, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш борасида Наврўзнинг моҳияти ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

айни Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва тотувлик, меҳру саховат, ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қутбарака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналари, халқ ўйинларига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган тарихий урф-одатларга, гўзал инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 февраль

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мамлакатимиз корхоналарида 116 турдаги спорт жиҳозлари ва бир неча хил спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда

Болалар спорти

СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ ВА КИЙИМЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлодимиз соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароит яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу спорт инвентарларига бўлган талабни оширмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт объектларини барпо этиш билан бирга, уларни зарур спорт жиҳозлари ва анжомлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан маълум қилинишича, 2014 йилда 115 янги қурилган болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, умумтаълим мактабларининг спорт залларини жиҳозлаш учун 4,1 миллиард сўмлик, 2004-2012 йилларда қуриб фойдаланишга топширилган объектларни қайта жиҳозлаш учун 16,8 миллиард сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари харид қилиниб, ҳудудларга етказилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Президентимиз ташаббуси билан қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида уларга 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари тўплами бепул берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 февралдаги «2008-2012 йиллар даврида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш асосида сифатли спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш Дастури тўғрисида»ги қарори болалар спорти объектлари учун зарур спорт анжомларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Болалар учун сифатли спорт инвентарлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Агар 2003 йилда мамлакатимиз корхоналарида 120 турдаги спорт анжомлари ва ускуналарининг 73 турдагиси тайёрланган бўлса, бугунги кунда 116 тури, шунингдек, спорт кийим ва пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Бугун юртимизда юздан зиёд корхона халқаро талабларга мос спорт инвентарларини ишлаб чиқармоқда. Ушбу соҳага ихтисослашган субъектларнинг қўллаб-қувватланаётгани, уларга кенг имтиёз ва қулайликлар яратилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. Тошкент шаҳридаги «Азия спорт С» хусусий фирмаси, «Телеметрик» масъулияти чекланган жамияти, Самарқанддаги «Стеклопластик», «Отабек», Намангандаги «Машхим» масъулияти чекланган жамиятлари, Андижондаги «Уз-Тонг-Хонг Ко» қўшма корхонаси, Хоразмдаги «Хоразм спорт импекс трейд» қўшма корхонаси каби қатор корхоналарда сифати жиҳатдан хорижникидан қолишмайдиган, нархи анча арзон кенг турдаги спорт жиҳозлари тайёрланмоқда.

Аввалари спорт инвентарлари асосан четдан келтирилларди. Уларни олишни отаоналар чўнтагини кўтармас, спорт формаси, тўп ёки бокс қўлқопи бўлмагани учун кўпчилик болаларнинг спорт, жисмоний тарбияга бўлган иштиёқи ҳам сўнар эди.

(Давоми 4-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон сайлов округи ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий билимини янада бойитишга бағишланган семинар ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими томонидан ташкил этилаётган тадбирларнинг навбатдагиси Пахтачи туманида бўлиб ўтди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасини жорий этишга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Кўзи ожизлар жамияти ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Юксакликни куйлаган шоира» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Финляндия технологик тадқиқотлар маркази олимлари мобиль қурилмаларни қувватлайдиган янги ускунани намойиш этди. У 3D-принтердан фойдаланган ҳолда яратилди. «Дарахт»нинг барглари экологик хавфсиз йўл билан қуёш, шамол ва ҳарорат ўзгаришидан олинган энергияни тўплай олади.

● Дубайда яшовчи Грэм Хендерсон 9 ёшли қизи учун электромобиль яратди. У ушбу автомобилни «Lil' Herbie» деб атади. Янги электромобиль 130 км/соатгача юради, батареяларининг қуввати эса 8 соатга етади.

● Колумбия миллий университети олимлари Толима департаменти ҳудудида ҳозиргача фанга маълум бўлмаган денгиз динозаври — мозазавр турини аниқлади. Унинг бош суяги узунлиги 41,5 см. Бундан ташқари, суякларда майин тўқималар аниқланган бўлиб, бу палеонтологияда ноёб ҳисобланади.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови — мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеа арафасида турибмиз.

29 март — сайлов куни

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БАҒИШЛАНДИ

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини очиқ ва адолатли сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловларда албатта инсонлар фикрларининг хилма-хиллиги ва орзу-умидлари намоён бўлади. Жойларда ўтказилаётган семинарлар аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Куни кеча навбатдаги семинар Олмазор тумани ҳудудида ташкил этилган сайлов участкалари аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари учун ўтказилди. Семинарни шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Инагамов олиб борди.

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтининг сайлов жараёнидаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг роли, овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мавжуд қонуний тизимни тушунтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари Ш.Зулфиқоров, Ҳ.Муҳамедов, Тошкент автомобиль йўллари институти доценти Д.Расулов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари Р.Саидов, туман ФҲДЁ бўлими мудири Д.Сулаймонова ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

— Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этишнинг муҳим жиҳати шундаки, овоз бериш жараёни яширин амалга оширилади, — дейди Тошкент давлат юридик университети профессори Ҳ.Муҳамедов. — Қолган барча жараён очиқ, ошкора ва транспарентлик руҳида ўтади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этилади, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар, овоз бериш жараёни ва сайлов якунларидан хабардор қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалар.

Семинар якунида сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Қуйи палатанинг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Б.Алихонов, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санитария-эпидемиология муҳити барқарорлиги ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон саломатлигини асраш, халқимиз муносиб турмуш кечириши учун қулай шароит яратишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)

29 март — сайлов куни

АСОСИЙ ТАМОЙИЛ — ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.





ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли сайловчилар!

Аввалambор Сизларга қимматли вақтингизни аямасдан, бизга хайрихоҳлик билдириб бугунги учрашувга келганингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хабарингиз бор, айни кунларда мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизғин давом этмоқда. Ушбу сиёсий жараённинг Сиз каби сайловчиларимизнинг юқори сиёсий фаоллиги асосида, юқори савияда ташкил этилаётгани барчамизни хурсанд қилмоқда.

Мана шундай паллада Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод сифатида менга билдирилган ишончни ўзим учун юксак масъулият сифатида қабул қилиб, ушбу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳаммамизга маълумки, 2014 йил 26 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Партия Сиёсий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси амалдаги қонунчилик ва Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган тартибга асосан партиянинг сайловда иштироки стратегияси ва тактикасини аниқлаб, улар асосида аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлади.

Бугунги кунда бажариладиган барча ташкилий-сиёсий масалалар юқори савияда ҳал қилинганлигини айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Аввалambор, барча партия ташкилотларида ўтказилган йиғилиш ва конференцияларда партиямиз аъзолари томонидан сайлов кампаниясини муносиб равишда ва кўтаринки руҳда ўтказишга интилиш билдирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда партиядан кўрсатилган вакилнинг иштирок этишини қўллаб-қувватлаш бўйича имзоларни йиғишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Партиямизнинг 10 февраль куни бўлиб ўтган VII Қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури тасдиқланди ва Марказий сайлов комиссияси томонидан партиямиз номзоди рўйхатга олинди.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Ҳозирда мен, ўз Дастуримда илгари сурилаётган асосий йўналишларга тўхталиб ўтишдан олдин барчангизнинг эътиборингизни мустақиллик йилларида халқимизнинг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар, мамлакатимиз эришган ютуқларга қаратишни бурчим деб биламан.

Барчамизга маълумки, мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг нуфузи юқори даражага кўтарилди. Бунга албатта, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш орқали эришилмоқда.

Натижада халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли даражада ўсди. Буни барчамиз ўз оиламиз, ён-атрофимиздаги кўни-кўшнимиз ёки маҳалладошларимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда кўриб, бевосита гувоҳи бўлиб турибмиз. Бугун ҳаммамизнинг оиламизда замонавий телевизорлар, музлаткичдан тортиб чангютгичгача бор. Қолаверса, фарзандларимиз замонавий компьютерлардан фойдаланмоқда, жаҳон стандартлари даражасидаги ўқув муассасаларида таълим-тарбия олмоқда. Шу билан бирга, бугун аксарият юртдошларимизнинг ҳовлисида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналарни учратиш мумкин.

Мен ушбу фикрларни нима учун билдиряпман. Чунки, истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқларни англаш учун узоққа бориш шарт эмас. Бунга ҳар биримиз ўз хонадонимиздаги фаровонликни, фарзандларимиз келажаги йўлида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитларни кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, бугун ён-атрофимиздаги давлатларда ва бошқа минтақаларда рўй бераётган нотинч вазиятни кўриб, барчамиз мамлакатимизда барқарор бўлиб турган энг муҳим бойлик — тинчлик, осойишталикнинг қадрини янада кенгроқ англаймиз.

Умуман, ўтган даврда мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилиши туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг, аввало болалар, аёллар, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланиши, аҳолининг фаровонлиги учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ҳурматли сайловчилар!

Биз сайлов кампаниясида иштирок этар эканмиз, юқорида эътироф этиб ўтганимиз — истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларни юқори баҳолаб, партиямиз сайловолди дастурида белгиланган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг янада тараққий этишига қаратилган Дастуримизни таклиф этмоқдамиз.

Мазкур дастурга мувофиқ қуйидагилар биз учун энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, биз инсон манфаатларини – олий қадрият сифатида баҳолаймиз.

Бу жараёнда «Инсон – мамлакатнинг асосий бойлиги», «Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони», «Адолат – ҳар бир инсон учун» тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий этишни асосий вазифамиз деб биламиз.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда эса биз аввало қонун устуворлигини таъминлашни муҳим деб ҳисоблаймиз. Ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъий назар барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун устувор йўналишлар бўлиб ҳисобланади.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ушбу мақсадларни амалга ошириш учун биз ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш, ҳокимиятнинг бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйишга интиламиз.

Бу, аввало, вакиллик органларидаги депутатларимизга тегишли бўлиб, айнан улар жойлардаги долзарб муаммоларни, Сизлар томонингиздан кўтарилган ижтимоий-иқтисодий масалаларни очиқ ва ошкора равишда муҳокама қилишлари, уларнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиб, тегишли ташкилотларга тавсия этишлари ва унинг ижроси юзасидан депутатлик назоратини ташкил қилишлари лозим.

Барчамизга маълумки, жамиятдаги ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқаради. Қонунлар қанчалик мукаммал ва ҳаётий бўлса ҳуқуқ ва эркинликларимиз шунчалик ишончли ҳимоя қилинади. Шу сабабдан **биз қонуности ҳужжатлари ҳажмининг қисқартирилишига, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришишга, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратишга**, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғояси татбиқ этилишига ҳаракат қиламиз. Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз албатта, давлат ҳокимияти вакиллик органларида шакллантирилган депутатлик корпусларимизнинг салоҳият ва имкониятларига таянамиз.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ҳам доимий эътиборимиз марказидаги масаладир. Биз **«кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар»** деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Шу билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ушбу жараёнда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга эътибор қаратамиз.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш биз учун энг муҳим устувор йўналишлардан саналади.

Биз аҳоли даромадларининг изчиллик билан ошиши тарафдоримиз. Чунки, айнан у иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, қачонки аҳолининг тўлов қобилияти кучайиб, меҳнаткашлар оиласининг муносиб ҳаёт кечириши таъминланса, бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳам оширади. Ўз меҳнатига муносиб ҳақ оладиган инсонгина чин кўнгилдан меҳнат қилади, фидойилик кўрсатади.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим омилга қаратишни истар эдим. Биз бошқа сиёсий рақобатчиларимиздан фарқли равишда **мамлакатимиз келажагини инновацион иқтисодиётда**, деб биламиз.

Сизларда, хўш инновация ўзи нима, деган савол туғилиши мумкин, албатта. Бу борада биз иқтисодиётга фақатгина янги ва илғор технологияларни жорий этиш керак деб биламиз. Айнан ушбу омил давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, шунингдек, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши керак. Бунга сизларнинг иштирокингизда албатта эришамиз.

Бугун кундалик ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари орқали **«яшил иқтисодиёт» деган атама**ни кўп бора эшитмоқдамиз. Буни бутун дунёда кечаётган глобаллашув тақозо қилмоқда. Бунга эса давлатнинг бошқарувчилик ролисиз эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан биз иқтисодиётни ривожлантиришнинг «яшил йўл»га ўтишида давлатнинг етакчилик ролини ошириш тарафдоримиз. Яъни, қачонки, давлат томонидан зарур инфратузилма ва бошқарувнинг самарали тизими яратилса, шунда иқтисодиётга хусусий сармоялар кириб келади, экологик тоза ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади.

Шунингдек, биз иқтисодиёт тармоқларида энергияни тежаш ва муқобил энергия манбаларини ҳаётга кенг жорий этиш ғоясини илгари сурамиз.

Учинчидан, ижтимоий ҳимоя масаласи ва унинг амалда қўлланилиши доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Биз мамлакатимизда **«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун»** тамойили асосида олиб борилаётган сиёсатни ривожлантиришга ҳаракат қиламиз. Аҳолининг турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этамиз.

Айни пайтда биз ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмаслигини яхши англаймиз. Шу сабабли фуқаролар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, бугунги учрашувда иштирок этаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу муносабат билан эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Биз ҳар доим иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлашга интиламиз.

Тўртинчидан, биз таълим тизимининг янада ривожлантирилиши тарафдоримиз. Яъни, иқтисодиётимизнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммалаштиришни муҳим деб биламиз.

Биз мутахассисларни тайёрлашда албатта меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Халқона қилиб айтганда фарзандларимиз келажаги бор соҳанинг эгаси бўлгани маъқул.

Бунинг учун биз бор эътиборимизни олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтириб, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, мамлакат таълим соҳасининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратамиз.

Шу билан бирга биз ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқувчиларга долзарб билим ва кўникмаларни сингдириш ҳамда уларнинг меҳнат бозори талаб қиладиган йўналишларда таълим олиши ҳамда келгусида албатта иш билан таъминланиши тарафдоримиз.

Бешинчидан, биз фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини ёқлаймиз. Шу билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотларининг **соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги** муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини кучайтиришга интиламиз.

Бугун барчамиз фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалланинг роли қанчалик муҳим эканлигини яхши биламиз. Айнан маҳалланинг тараққий этиши аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги ортишига хизмат қилади.

Шу сабабдан биз давлат ҳокимиятининг қатор ваколатларини ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳаллага ўтказиш тарафдоримиз. Маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқ марказга айланишига интиламиз.

Ва ниҳоят, олтинчидан биз учун ташқи сиёсатдаги **миллий манфаатлар устуворлиги** муҳим аҳамиятга эга.

Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, биз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузини янада оширишга, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Биз айниқса, яқин қўшни давлатлар билан муносабатда минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этиш тарафдоримиз.

Мухтасар қилиб айтганда, бизнинг позициямиз ана шулардан иборат.

Ҳурматли сайловчилар, партиямиз аъзолари ва хайрихоҳлари!

Бугун Сизлар билан учрашиб туришдан мақсад фақатгина сайловолди дастуримиз билан таништириш эмас, балки Сизларнинг фикрларингиз билан ҳам қизиқиш, ҳамфикр бўлишдан иборат. Ўйлайманки, Сиз томонингиздан билдириладиган ҳар қандай фикр, таклифни биз олдимизга қўйган мақсадларни амалга оширишда ўзимиз учун зарурат деб биламиз.

Барчамизнинг мақсадимиз бир — шу юрт равнақи, халқимизнинг фаровон турмуши ҳамда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг бардавомлигини таъминлаш, ёруғ келажагимизни қуришдан иборатдир.

Ўйлаймизки, бу жараёнда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб Ватанимиз равнақи учун муносиб хизмат қиламиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.



2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлар Дастури ва 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш Тошкент шаҳар Дастури доирасида кенг кўламдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда.

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Чунончи, Дастур доирасида режалаштирилган тадбирларнинг бажарилиши устидан мониторинг олиб борилади ва маълумотлар Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотларга тақдим этилади.

Дастур бўйича режалаштирилган 16 та тадбирдан барчаси бажариб келинмоқда, 2014 йилда пойтахтда дастур ижроси йўлида сарфланган жами харажатлар **78136,806 млн.** сўмни ташкил қилди.

2014 йил давомида **641941** дона кўчатлар экилди, газ ёқилғисига **2454** та (СПГ-2324, СНГ-130) автомобиль ўтказилди, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш миқдори **1407,5 тоннага** камайди, Шайхонтоҳур туманида 2 та АГНКС қурилди ва учтаси қайта таъмирланди.

Шаҳримиз автобус саройларини янги автобуслар билан таъминлаш мақсадида, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 80 та «Исузу» автобуслари харид қилинди, **347 та** двигателлар таъмирланди, йилига **7,2 тонна** миқдорида дизель ёқилғиси тежалди.

Ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида, **7,498** километрлик водопровод тармоқлари қурилди ҳамда таркибида симоб моддаси мавжуд **213 845** дона люминесцент лампаларни зарарсизлантириш мақсадида демеркуризацияга қабул қилинди.

Умумий узунлиги 1,8 км масофадаги Анҳор канали бўйи ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди.

Бундан ташқари, ҳаракатлар Дастури доирасида экологик фан, экологик таълим ва билимларни тарғиб қилиш, экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан биргаликда олий ўқув юртларининг талаба ва магистрантлари орасида «Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя — 2013» мавзусидаги кўрик-танлов якунида иштирок этиб, тадбир ғолибларига рағбатлантирувчи совринлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи - 2014» VI Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

«Баркамол авлод» шаҳар болалар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда экологик ва ўлкашунослик йўналишидаги «Менинг мафтункор ўлкам», «Олтин куз жилолари», «Ўзбекистонда олтин куз» ва «Либослар дизайни — табиат уйғунлигида» мавзуларида экологик тадбир ҳамда фестивваллар ўтказилди.

«Ekolandskape» ННТ билан биргаликда Тошкент кимё-технология институти қошидаги Академик лицейда ўқувчи ёшлар ўртасида «Инсон, давлат ва экология» мавзусида кўрик-танлов уюштирилди.

Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб «Экоҳафталик – 2014» доирасида F.Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида экологик байрам ўтказилди.

Байрамда Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ўқувчилари қатнашди ва «Табиат болалар нигоҳида» экспозициялар танлови; асфальтга расм чизиш танлови; «Усталар шаҳри» кўрик-танловлари ўтказилди.

Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Тошкент шаҳар геодезия ва картография коллежида «Озон қатлами ва биз» мавзусида экологик конференция, Чилонзор туманидаги 163-сонли ўрта умумтаълим мактабида «Мактабда озон ёмғир пўши» мавзусида тадбир, Тошкент шаҳар кимё-технологиялари институти қошидаги коллежда экологик тадбир, F.Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида «Болалар китоби» фестивали бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида «Қадрдон шаҳрим экологияси» мавзусида шаҳар мактаблари ўқувчилари ўртасида еттинчи марта расмлар кўрик-танлови ўтказилди, танлов давомида ғолибларга қўмита томонидан рағбатлантирувчи эсдалик совғалари топширилди.

Азизжон КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи



Ислом Исмоилов олган сурат

Табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишни онгли равишда ҳал этиш учун оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб болаларда табиат неъматларига меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш лозим.

ТАБИАТГА МЕҲР БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНАДИ

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ахборот ва тарғибот бўлими томонидан 2014 йил давомида ўқувчи ва ёшлар ўртасида бир қанча экологик тадбирлар ўтказилди. Хусусан, юртимизда 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 50 га яқин тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ОАВ, телевидение ва радио каналлари билан ҳамкорликда ишлаш кенг йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, 2014 йил давомида телевидение орқали 60 та чиқишлар ва 53 та радио эшиттиришлар ўтказилди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус «Ecosity.uz» сайти орқали оммага экологияга доир янгиликлар етказиб борилмоқда.

Шаҳримиздаги корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ходимларининг экологик билимларини янада ошириш мақсадида «Экологический вестник» — «Экологик хабарнома» журналларида республика бўйича экологияга оид сўнгги хабарлар ва янгиликлар мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Малоҳат МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
Ахборот ва тарғибот бўлими мутахассиси

АНИҚ МАҚСАДЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Маълумки, сайёрамизнинг барқарор ривожланишида сув-ботқоқли ҳудудлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ҳудудларга сувли ва ботқоқ шароитига мослашган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган, чуқурлиги турли хил сувли ва ботқоқли жойлар киради.

Мазкур ҳудудлар ўзининг яшаш учун фойдали бўлган маҳсулотлари билан дунё аҳолисининг кўпчилик қисмини таъминлаши, муқим ҳамда кўчиб ўтувчи қушлар учун қулай истиқомат манзили бўлиб хизмат қилиши, ҳудуд иқлимий шароитининг барқарорлигини сақлаб қолишдаги ўрни билан жуда ҳам муҳимдир. Шу сабабли жаҳон ҳамжамияти томонидан мазкур ҳудудларни асраб-авайлаш, уларни муҳофаза қилиш, бундай ҳудудларга кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш мақсадида «Халқаро аҳамиятга эга бўлган асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудлар тўғрисида»ги глобал миқёсдаги халқаро Конвенция ишлаб чиқилди. У 1971 йилда Эроннинг Рамсар шаҳрида имзоланди.

Шунинг учун ҳам сайёрамизда 1997 йилдан буён февраль ойида «Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлар куни» кенг нишонлаб келинади. Ҳозирда мазкур Конвенцияга 160 та мамлакат аъзо бўлган. Шу жумладан, 2001 йил 30 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳам Рамсар Конвенциясига аъзодир. Худди шу йили Бухоро вилоятида жойлашган Денгизкўл Рамсар конвенциясининг халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудлари рўйхатига киритилди. Шу билан биргa, «2008-2015 йилларда Айдар-Арнасой кўллари тизимидан самарали фойдаланиш ва унинг экологик ҳолати барқарорлигини таъминлаш бўйича ҳаракатлар Дастури»нинг бажарилиши жараёнида Айдар-Арнасой кўллари тизимига Рамсар Конвенцияси доирасида Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар мақоми берилиб, улар Конвенция Котибияти томонидан 2008 йил 20 октябрда рўйхатга олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган ҳайвонларнинг 37 та тури (шу жумладан қушлар ва балиқлар) сувли ботқоқли ҳудудларда яшайди. Биргина Айдар-Арнасой кўллар тизими халқаро ва Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ноёб ва йўқолиб бораётган қуш турлари — жингалак ва пушти саккоқуш, қорабузов, вишилдоқ оққуш, олақанот кабиларга уялаш, учиб ўтиш ва қишлаш учун маскан бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда ушбу кўллар тизимини Рамсар Конвенцияси талаблари даражасида муҳофаза этиш ҳамда бу ерда экологик вазиятни бақарор сақлаб қолиш йўналишида Ўзбекистон томонидан аниқ Дастур асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат ҳудудида сувли-ботқоқли жойларнинг мавжудлиги ва уларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида муҳофаза этилиши Рамсар Конвенциясига аъзо бўлишнинг асосий шартларидан биридир.

Бу йилги сув-ботқоқ ҳудудлар кунига бағишланган конференция якунида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан ўтказилди.

Тадбир давомида ушбу йўналишдаги сўнгги янгиликлар, ўзгаришлар ва бошқа қизиқарли маълумотлар ҳақида қизғин сўз борди.

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг юртимизда илм-фанни ривожлантириш, олий ўқув юртларида замонавий билимларни мукаммал эгаллаган ёш мутахассисларни тайёрлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Шундай амалий ишларнинг самараси ўлароқ олимларимиз хориждаги нуфузли таълим даргоҳларида дарс бермоқдалар, турли лойиҳа ва дастурларда долзарб мавзулардаги маърузалари билан қатнашмоқдалар.

Биз ва жаҳон

ЎҚУВ, ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАДИ

Японияниг КЕИО университети раҳбарияти ва шу университетда фаолият олиб бораётган «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастурининг координатори таклифига мувофиқ Тошкент давлат техника университети «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси профессори, кимё фанлари доктори Бахтиёр Муҳамедгалиевнинг яқинда Кунчиқар мамлакатда хизмат сафарида бўлиб, турли тадбирларда иштирок этиши ҳам фикримиз далилидир.

Ўзбекистонлик олим КЕИО университетида «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури бўйича дунёнинг кўпгина мамлакатларидан — Эрон, Малайзия, Австралия каби давлатлардан келиб, Японияда таҳсил олаётган талабалар, мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларга «Орол денгизи минтақасидаги экологик аҳвол» мавзуида инглиз тилида маъруза қилди.

Сўнг, КЕИО университетининг «Ёниш жараёнлари термодинамикаси» лабораториясида «Ёниш жараёни механизми ва термодинамикаси» фани бўйича университетда таҳсил олаётган талабаларга амалий машғулот дарсларини ўтди, хоссаларини ўрганди. Кейинги кунларда КЕИО университети раҳбарияти ва «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури координатори, факультетлар деканлари ва бошқа масъул ходимлари билан расмий учрашувларда қатнашди, «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури бўйича таҳсил олаётган талабаларга «Экологик хавфсизлик», «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанлари бўйича амалий машғулотларни ўтди.

Айниқса, КЕИО университети профессор-ўқитувчилари ва куннинг иккинчи ярмида у ерда мавжуд бўлган замонавий асбоб ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, ўзи ва докторантлари томонидан синтез қилинган янги антипирен ва ўтга чидамли таркибларнинг таҳлилларини бажарди. Кейинги кунларда КЕИО университети раҳбарияти ва «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури координатори, факультетлар деканлари ва бошқа масъул ходимлари билан расмий учрашувларда қатнашди, «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури бўйича таҳсил олаётган талабаларга «Экологик хавфсизлик», «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанлари бўйича амалий машғулотларни ўтди.

Айниқса, КЕИО университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури бўйича малака ошириш курсларида таҳсил олаётган дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган мутахассисларда Бахтиёр Муҳамедгалиевнинг «Марказий Осиёдаги бугунги кундаги экологик аҳвол ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш йўллари» мавзусида инглиз тилида қилган маърузаси катта қизиқиш уйғотди.

Маърузадан сўнг баҳс-мунозара ўтказилиб, олим эколог-мутахассислар, профессор-ўқитувчи ва талабаларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди. Шу куни КЕИО университетида фаолият олиб бораётган «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастури координатори профессор Б.Муҳамедгалиевнинг интеллектуал салоҳиятини, билимини юқори баҳолаган ҳолда унга махсус сертификат топширди.

Сафар давомида япон эколог-олимлари, мутахассислари ва шу соҳада таҳсил олаётган талабаларнинг Ўзбекистон Республикасига, ундаги глобал экологик муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақидаги маълумотларга қизиқиши катта эканлиги намоён бўлди. КЕИО университети раҳбарияти билан ўтказилган мулоқотларда, уларнинг биз билан халқаро, илмий, ўқув ва амалий алоқаларни ривожлантириш ниятида эканлиги ойдинлашди.

— Япониялик олимлар учун чиқиндисиз технология бош масала ҳисобланади, — дейди Бахтиёр Муҳамедгалиев. — Чунки бу мамлакатда табиий қазилма бойликларидан кичкинагина кўмир кони бор, лекин улар шундан унумли фойдаланиб, синтез йўли билан жуда кўп истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришади, газ-нефть сингари маҳсулотлар эса четдан валютага сотиб олинади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, япон эколог-олимлари ва мутахассислари ўзбекистонлик олимнинг маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар, ўзаро мулоқотлар давомида Япония-Ўзбекистон доирасидаги глобал экологик муаммолар, уларнинг ечимларини топиш бўйича илмий ҳамкорликларни давом эттириш, илмий, ўқув ва амалий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ўзаро келишиб олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бахтиёр Муҳамедгалиев Тошкент давлат техника университетида фаолият кўрсатиш билан бирга, Тошкент давлат техника университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва Бердақ номли Қорақалпоғистон давлат университетининг кўпгина мустақил-тадқиқотчи ва докторантларига илмий тадқиқот ишларида раҳбарлик қилиб келмоқда. Заҳматкаш мутахассис ўтган давр мобайнида 20 дан ортиқ магистр ва фан номзодларини тайёрлади, унинг 400 дан ортиқ илмий ишлари республикамиз ва хориж мамлакатларининг нуфузли илмий-техник журналларида чоп этилди. Олим ўндан ортиқ кашфиётлар патенти соҳиби, 4 та монография, 2 та дарслик, 12 та ўқув ва услубий қўлланмалар муаллифидир.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЕР СОЛИҒИ ТЎЛАШ СТАВКАСИ БЎЙИЧА ЗОНА ЧЕГАРАЛАРИНИНГ СХЕМАСИ ВА ТАВСИФЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2099-сонли Қарори ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 28 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2014 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида»ги 278/4-32-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Ер («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1998 йил, 5-6-сонлар, 82-модда) ва Солиқ кодексларига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 52 (I)-сон.) асосан, «TOSHKENTBOSHPLANLITI» лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган зона чегараларининг схемаси ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан олинган маълумотларни инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳрида ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси 1-иловага, зона чегараларининг тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (А.Таджиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Давлат солиқ бошқармаси (Р.Мирзаев):

Мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 25 январдаги 41-сонли қарори (3-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинганидан сўнг кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2015 йил 24 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, санитария-эпидемиология муҳити барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган тизимли ишлар самарасида санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базаси такомиллашмоқда. Жаҳонда рўй бераётган глобал тиббий-ижтимоий муаммоларга қарамасдан, юртимизда турли юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда. Эмлаш ишларини режа асосида ташкил этишнинг замонавий инфратузилмаси яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида илгарилари болалар саломатлигига жиддий таҳдид солган қизамиқ, кўк йўтал, қоқшол, дифтерия, полиомиелит, паротит каби юқумли хасталикларнинг олди олинди.

Глобаллашув жараёни тобора чуқурлашаётган, тараққиёт кундан-кунга илгарилаётган бугунги даврда бу борадаги ишларни замон билан ҳамқадам ривожлантириш долзарб вазифадир. «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, профилактика тадбирларини ўтказишда санитария меъёрлари, қоидалари, гигиена талабларига риоя этишнинг барқарор тизимини яратиш, санитария-эпидемиология хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш ва фуқароларнинг бу борада масъуллигини ошириш билан боғлиқ устувор вазифалар қамраб олинган.

Давра суҳбатида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти, янги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Болалигимда футболга жуда қизиқардим, – дейди қорақалпоғистонлик Асомиддин Аллamберганов. – Аммо қишлоғимиз мактабида ҳам, яқин атрофдаги маҳаллаларда ҳам спорт секциялари йўқ эди. Уйда мустақил шуғулланиш учун футбол тўпи, бутса ҳам бўлмасди. Бир куни отам уйдаги латта-путталардан қўлбола «тўп» ясаб берди. Шунга ҳам хурсанд бўлиб, эртаю кеч машқ қилганим эсимдан чиқмайди. Бугун невараларим туманимиздаги спорт мажмуасига қатнайди. Улардаги замонавий шарт-шароитни, инвентарларни кўриб, ҳавасим келади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спорт анжомларини юртимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани спорт иншоотларини кенг турдаги, сифатли ва арзон спорт инвентарлари билан таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Андижон шаҳридаги «Хўжаобод» МЧЖда кураш, бокс, волейбол, футбол, гандбол, гимнастика сингари спорт турлари учун зарур 35 хил спорт анжомлари ва спорт сумкаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «Хўжаобод» МЧЖда 110 киши меҳнат қилади. Мазкур корхона ўтган йили спорт мажмуалари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва спорт дўконларига 7 мингга яқин спорт анжомларини етказиб берди.

– Маҳсулотларимиз тўлиқ маҳаллий хомашёдан тайёрланади, – дейди ЎзА мухбирига «Хўжаобод» МЧЖ раҳбари Фарҳод Одилов. – Улар сифати жиҳатидан хорижники билан бемалол рақобатлаша олади, нархи эса 20-30 фоиз арзон.







Самарқанддаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт, ўқув мебель ва жиҳозларидан ташқари 90 дан ортиқ турдаги спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Спорт иншоотлари учун қулай ўриндиқлар, шоҳсупа, теннис столи, баскетбол шчитлари, баландликка сакраш, бадминтон, волейбол, катта теннис устунлари, енгил атлетика, спорт гимнастикаси машғулотлари учун зарур жиҳозлар ва бошқа турдаги спорт инвентарлари шулар жумласидандир. Ўтган йили мамлакатимиздаги қатор болалар спорти иншоотлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ана шу корхона маҳсулотлари асосида жиҳозланди.

Пойтахтимиздаги «Телеметрик» масъулияти чекланган жамиятида турли шакл ва форматдаги ёруғлик диодли таблолар ишлаб чиқарилаётган бўлса, «GM-Uzbekistan» таркибига кирадиган Андижондаги «Уз-Тонг-Хонг Ко» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси мамлакатимизда биринчи бўлиб баскетбол, футбол, волейбол, гандбол ва теннис тўпларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бу борадаги ишлар самарасини спорт товарлари билан савдо қиладиган дўконларда ҳам кўриш мумкин.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Юлдуз спорт» дўконида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган спорт инвентарлари кенг ўрин олган. Дўкондаги турли хил спорт ускуна ва анжомлари ҳар қандай кишининг эътиборини жалб этиб, ҳавасини уйғотади.

– Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт товарлари сифатли ва арзон бўлгани учун харидоргир, – дейди дўкон сотувчиси Улуғбек Искандаров. – Товарларни нақд пул ва пластик карточкалар орқали сотиб олиш мумкинлиги харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу дўкондаги бокс қўлқоплари, панжалари, ҳимоя қалпоғи, кураш, дзюдо, каратэ формалари, гимнастика арқони, турник ва брусни ўзида мужассамлаштирган тренажёрлар каби кўплаб спорт инвентарлари юртимизда ишлаб чиқарилган.

– Ўғлим боксга қизиқади, – дейди пойтахтлик Отабек Нуралиев. – Бугун унга бокс қўлқопини олиб бердим. Болаларни спортга жалб этишда спорт инвентари муҳим аҳамият касб этади. Спорт анжоми аввало сифатли ва бола учун хавфсиз бўлиши лозим. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт товарларининг мана шу талабларга жавоб бераётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ ВА КИЙИМЛАРИ:

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Б. АЙТМУРОДОВ

Муносабат

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ЗИД ҲОЛАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

Яқинда «Оқшом» газеталарида чоп этилган «Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шаҳар ҳокимининг қарори кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

Маълумки, ушбу қарорда Тошкент шаҳрида жойлашган «Интернет-кафе» ва «Компьютер клублари»да жангарилик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи лавҳалар, суратлар, сайтлар, фильмлар кўпайишининг олдини олиш лозимлиги, бундай маънавиятимизга зид ҳолатлар вояга етмаган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ошишига асосий сабаблардан бири бўлаётганлиги қайд этилиб, бу каби салбий оқибатларга барҳам беришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Айниқса, интернет кафелари ва компьютер клубларининг соат 21 гача ишлаш тартибининг белгиланганлиги ёшларимизнинг бемаҳалда сандироқлаб юришларининг олдини олади.

Ушбу қарорни ўз вақтида қабул қилинган деб биламан. Биз бугунги кунда глобал ахборот замонида яшаяпмиз. Бошқа жойларда бўлгани каби бизнинг маҳалламизда ҳам интернет-кафелар мавжуд. Албатта, ёшларимизнинг компьютерларни ўрганиб, интернет орқали турли янгилик ва билимларни ўзлаштириб, кўп нарсалардан хабардор бўлишлари эътиборга лойиқ. Бу уларнинг ақлий салоҳиятининг ошишига ҳам замин бўлади. Лекин баъзи ёшларимиз, айниқса мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари унинг хизматидан ҳар доим ҳам мақсадли фойдаланяпти деб бўлмайди. Тармоқ орқали жангари ўйинларни ўйнаш, маънавиятимизга зид ва миллатимизга ёт бўлган нарсаларни ўқиш тарбияни бузишдан, тўғри йўлдан чалғитишдан ҳамда олтинга тенг қимматли вақтни йўқотишдан бошқа нарса эмас.

Юқорида таъкидланганидек, ёшларимизнинг бутун бўш вақтларини фақат Интернет кафелари ва компьютер клубларида ўтказиб, қадриятларимизга тўғри келмайдиган нарсалар билан шуғулланишлари албатта номаъқул ишдир.

Бундан бир неча ой муқаддам Жанубий Кореяда тинимсиз уч кун интернет тармоғи орқали жангари ўйин ўйнаб ақлдан озган йигит ҳақида хабар тарқалган эди. Кўриниб турибдики, интернетдаги ножоиз хатти-ҳаракатларга ўрганиб қолиш ҳам соғлиққа кони зарардир.

Шу ўринда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Олдиға қўйганни емак ҳайвон иши, Оғзига келганни демак нодон иши» деб битилган пурмаъно ҳикматлари кўз олдимизда гавдаланади.

Шундай экан, биз ота-оналар, бутун жамоатчилик маънавиятимизга зид бўлган турли иллатларга чек қўяйлик. Ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга масъул бўлайлик.

Садриддин ҲАСАНОВ,
Учтепа туманидаги «Зулфизар» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

Семинарлар

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Юнусобод туманидаги 58-умумтаълим мактабида вояга етмаганлар орасида эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда саломатлик учун спорт билан шуғулланишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ва бошқа ҳамкорлар томонидан ташкил этилган тадбирда «Отчопар-2» ва «Оқтепа» маҳаллалари фаоллари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Вояга етмаганлар орасида эрта никоҳ ва эрта туғруқларнинг олдини олиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда саломатлик учун спорт билан шуғулланиш, қиз болалар тарбиясига муҳим эътибор қаратиш, уларни замонавий билим ва касб-ҳунарларга қизиқтириш, тиббий маданиятни ошириш тадбирнинг асосий мақсади бўлди.

Тадбирда сўз олганлар оилада соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мумкинлиги, репродуктив саломатликни яхшилаш, эрта никоҳ, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда оналарнинг ўрни беқиёслигини таъкидлаб ўтишди.

Семинарда аёллар муаммолари бўйича эксперт, олима, ҳуқуқшунос, фалсафа фанлари доктори Жамила Шермуҳамедованинг «Оилада муомала маданияти ва қиз боланинг ахлоқий тарбияси», Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлиги маркази раҳбари Феруза Раҳматуллаеванинг «Эрта никоҳ ва эрта туғруқнинг олдиши олиш», «Оила маркази»нинг туман бўлими вакили Марғуба Муҳаммедованинг «Оилада ҳар битта шахснинг вазифалари ва мажбуриятлари» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши барчага маълум. Шундай экан, эрта никоҳ ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

«Тайёргарликдан ўтган инсон, ярим қутқарилган инсондир» дейдилар. Ҳаёт тасодифларга тўла. Ана шундай кутилмаган офатларга доимо шай туриш, рўй берган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила билиш энг қулай ва самарали усуллардан биридир.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ЖОЙЛАРДА МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Пойтахт аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2014 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2015 йилдаги вазифалар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан қатор муҳофаза тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат ҳудудий куйи тизимининг (ФВДТ ҚТ) 2014 йилдаги асосий фаолияти фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ФВДТ ҚТнинг бошқарув органлари куч ва воситаларининг тайёргарлигини таъминлаш ҳамда раҳбарлар ва ишчи-хизматчилар таркибини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида жойларда ўқув машғулотларини ўтказишга қаратилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан таълим муассасаларида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизнинг барча туманлари ҳудудида жойлашган мактабларнинг 1-4 ва 5-9 синф ўқитувчилари иштирокида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари» мавзусида 14 соатлик дастур асосида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўқув машғулотлари бошқарманинг малакали офицерлари ва марказ ўқитувчилари томонидан олиб борилди. Бошқарма офицерлари подполковник Ҳусан Бобонов, капитан Элёр Аҳмадалиев ва хизматчилар – Моҳида Асқарова, Маъсуда Эргашевалар томонидан олиб борилган ўқув машғулотлари назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синовдан ўтказилди. Машғулотлар баҳс-мунозарали тарзда олиб борилди ва якунда тингловчиларга гувоҳномалар тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар режага мувофиқ пойтахтимиз ҳудудида жойлашган бошқа таълим муассасаларида ҳам давом эттирилади.

Азамат СУЮНОВ

Тадбирлар

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Истиқболли авлод» ижтимоий ахборот маркази ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, одам савдоси жабрдийдаларига кўмаклашиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар томонидан одам савдосига қарши курашишда кўпроқ ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавий дунёқарашини ўстириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда ушбу иллат домига тушиб қолаётганларнинг аксарият қисмини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қилмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш, бу «савдо» билан шуғулланувчиларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ундан жабр кўрган фуқароларга кўмаклашиш, соғлиғи, руҳий ҳолатини тиклаши ва ҳаётини йўлга қўйиб олишларида яқиндан ёрдам бериб келинаётир.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқароларимизнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолмасликлари учун кўплаб тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Телеканалларимизда эфирга узатилаётган турли кўрсатув ва реклама роликлари, радио каналлари орқали берилаётган эшиттиришлар ҳамда кўчалардаги огоҳликка даъват этувчи плакатлар барчани ҳушёрликка чорламоқда.

Қилинаётган ишларга қарамай алданиб қолиб, жабр кўраётган фуқароларимиз ҳамон учрамоқда. Ўтган 2014 йилда Тошкент шаҳрида яшовчи 56 нафар фуқаро одам савдоси қурбонига айланган. Аянчли томони шундаки, жабрланганларнинг 36 нафари ўттиз ёшга тўлмаган аёллардир. Уларга психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди, шунингдек, бандлигини таъминлашга ҳам кўмаклашилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий идоралараро комиссияси таркибига кирувчи мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда одам савдосига қарши курашувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, тадбирларни самарали ўтказиш, ушбу «савдо»дан жабрланган ёки унга алданиб қолиши мумкин бўлган ижтимоий заиф гуруҳларга кўмаклашиш, ёрдам ва ҳимоя кўрсатиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тадбирда шунингдек, одам савдосига қарши курашиш мақсадида ташкил этилган 143-94-94 рақамли «Долзарб алоқа тармоғи» ҳақида ҳам маълумот берилди. Тармоқ орқали аҳолига чет давлатларга қонуний чиқиш тартиблари тўғрисида маълумот, қонунчилик билан танишиш истагида бўлганларга бепул ва маълумотлар сир сақланиши кафолатланган ҳолда маслаҳатлар берилади. Шунингдек, чет давлатларда қийин ҳолатга тушиб қолган ёки одам савдосига тўқнаш келган шахсларнинг Ватанга қайтишларига кўмаклашилади.

Абдуалим САЛИМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 июндаги 148кПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 13 февралда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Зарафшон кўчаси, 24 «Б»-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1638 кв.м бўлган, 2 қаватли ертўлали бинонинг қисми, бошланғич баҳоси – 4 213 644 014 сўм, сотилиш баҳоси– 4 364 000 000 сўм.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 27 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб (соат 10.00 да) туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида бўлади. Кундузи — 5-7 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича тўрар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 • 5